Туман ҳокимининг 2014 йил
"6" март 133-К-сонли
карорига 2-илова

т/р	Хўжалик ташкилот номи	Техник кўрик ўтказиш куни	Мавжуд Техникалар сони	Автокорхона, хўжалик рахбари Ф.И.О
1	"Уз-Сам-Транс" МЧЖ	09.04.2014й	12	К.Қурбонов
2	«Лочинтаранс» МЧЖ	10.04.2014й	7	М.Ботиров.
3	«Моҳичехра» МЧЖ	11.04.2014й		С.Имомов
4	«Феруз» МЧЖ	12.04.2014й	26	Ф.Хусанов
5	«Хобилбобо» МЧЖ	13.04.2014й	28	Н.Камолов
6	"Ургут Деҳқонобод ҳамкор техсервис"	14.04.2014й	16	М.Дониёров
7	"Ургут Навоий ҳамкор техсервис"	16.04.2014й	4	Г.Абдуллаев
8	"Қарши рахимов ҳамкор техсервис"	17.04.2014й	6	А.Сувонов
9	"Ургут Қайрокли ҳамкор техсервис"	18.04.2014й	24	И.Жуманов
10	"Ургут Жартепа ҳамкор техсервис"	19.04.2014й	7	Т.Эргашев
11	"Ургут Охунбобоев ҳамкор техсервис"	20.04.2014й	14	Т.Тожикулов
12	"Ургут Ваткан ҳамкор техсервис"	21.04.2014й	18	А.Эсанов
13	"Муминобод ҳамкор техсервис"	23.04.2014й	5	Р.Норов
14	"Чағ-тор ҳамкор техсервис"	24.04.2014й	7	К.Рахматов
15	"Ургут Журоптепа ҳамкор техсервис"	25.04.2014й	6	А.Норматов
16	"Ургут Акрамобод ҳамкор техсервис"	26.04.2014й	4	Р.Набиев
17	"Улуғбек ҳамкор техсервис"	27.04.2014й	8	У.Ражабов
18	"Бобур ҳамкор техсервис"	02.05.2014й	12	И.Суяров
19	"Бахрин ҳамкор техсервис"	03.04.2014й	8	Х.Рузибоев
20	Туман коммунал фойдаланиш бошкармаси	04.05.2014й	4	М.Кенжаев
21	МТП ДАЖ	05.05.2014й	14	А.Эсанов
22	"Мухандис" РАА	07.05.2014й	13	Р.Мелибоева
23	Ургут монтажчи	08.05.2014й	4	С.Ғафуров
24	"УЗ-Бат" КК	09.05.2014й	64	З.Саркор
25	Туман тиббиёт бирлашмаси	10.05.2014й	21	Ф.Азизов
26	"Матлубот-транс"	11.05.2014й	38	Н.Шамсиев
27	"Қишлоқхужаликкимё" туман филали	12.05.2014й	15	Қ.Ахмедов
28	"Ватанпарвар"	14.05.2014й	15	Н.Холикова
29	Туман йўл хўжалик пудрат таъмир корхонаси	15.05.2014й	12	Ю.Суяров
30	Туман ДСИ	16.05.2014й	1	Б.Бойматов
31	"Автомобилчи" МЧЖ	17.05.2014й	14	Р.Ғаффоров
32	"Самтелеком" туман филали	18.05.2014й		
33	Кичик корхоналар			
34	Фермер ва дехкон хўжаликлари			

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Urgut tumani
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Ургут тумани
ҲОКИМИ

ҚАРОР

2014 йил «6» март №133-Қ Ургут тумани

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транпорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом (Ўзбекитон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон) ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й.9-сон, 320-модда) асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туманда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин.

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомабиллар, автобуслар, ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомабиллари, йирик габаритли, огир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар-бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини хисобга олган холда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси- шатакчи учун белгиланган муддатларда.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган таранспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилиши инобатга олиш.

4. Туманда техник кўрикни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2014 йилги мажбурий техник кўригини ўрказиш жадвали 2-илоавага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга “JV MAN AUTO Uzbekiston” маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонанинг техник кўрик ўтказиш учун зарур ва шароитларга мавжуд лиги тўғрисидаги жорий йил 22 январдаги 32-сонли таклифига асосан, уларга тегишли бўлган автобус, ўриндиқлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун мах транспорт воситалари хамда уларнинг тиркамаларини қўшма корхонанин сервис ва диллерлик марказида, бошқа турдаги транспорт воситаларини “Самарқанд Автотеххизмат” ОАЖга қарашли тумандаги Агротехсервис МТПда техник кўрикдан ўтказиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиклаш хакида”ги қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари мажбурий техник кўриклари ўз юқори ташкилотларининг қарори ва иш режаси асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор кабул қилиниши билан туман ҳокимининг 2013 йил 7 февралдаги 69-Қ сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ҳ.Қ.Оқбўтаев**

Туман хокимининг 2014 йил
“6” март 133-К-сонли
карорига 1-илова

Туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш комиссия

Т А Р К И Б И

Э.Бошмонов	Ургут туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавсизлиги бўлими бошлиғи комиссия раиси.

Комиссия аъзолари:

А.Хамрокулов	Ургут туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
У.Хожиев	«Давтехназорати» инспекцияси Ургут туман бўлими бошлиғи.
А.Шарипов	Ургут туман йўл курилиш пудрат таъмир фойдаланиш корхонаси ҳаракат хавсилиги мухандиси.
И.Асламов	Ургут туман ДАСК сугурта вакили.